

## **АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА КАПИТАЛ БОЗОРИДАН МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
проректор, DSc М.Эшов*

***Аннотация:** мақолада акциядорлик жамиятларига капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилишнинг илмий-назарий жиҳатлари тадқиқ қилинган. Жаҳон амалиётида ва мамлакатимизда корпорациялар фаолиятига капитал бозоридан молиявий маблағларни жалб қилишнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган ҳамда молиявий ресурсларни кенгайтиришга қаратилган илмий-амалий таклифлар тайёрланган.*

***Таянч иборалар:** капитал бозори, акциядорлик жамияти, молиявий ресурслар, фонд биржаси, қимматли қозғозлар, инвестиция лойиҳаси, молиявий инструмент.*

### **Кириш**

Акциядорлик жамиятларига молиявий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари узлуксизлигини таъминлаш, уларнинг молиявий барқарорлик ҳолатини сақлаб қолиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, молиялаштиришнинг янги молиявий инструментларини амалиётга жорий қилиш кабилар айниқса жаҳон пандемия шароитида долзарб масалалардан бири саналади.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида капитал бозоридан акциядорлик компаниялари фаолиятига молиявий ресурсларни жалб қилишнинг замонавий инструментларини жорий қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молия институтлари ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида фонд бозорини ривожлантириш ҳамда халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган

хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш» [1] бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш, мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида бизнесни замонавий тенденцияларга мос равишда янада ривожлантириш, молиявий ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ иқтисодий-молиявий тўсиқларни бартараф этиш, Ўзбекистон молия бозорини ривожлантириш учун ўрта ва узоқ муддатли даврга мўлжалланган стратегия ва йўл хариталари ишлаб чиқиш каби муаммоларни ижобий ҳал этиш капитал бозори ва корпоратив сектор ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган чоратadbирларни амалга оширишни тақозо этади.

Акциядорлик жамиятлари томонидан молиявий ресурсларни жалб қилишга доир қарорлар қабул қилишда, капитал бозорининг ҳолати ва молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқади. Чунки, иқтисодиётда корпоратив секторга йўналтирилаётган ресурсларнинг ўртача фоиз ставкаларидан келиб чиққан ҳолда акциядорлик жамиятлари қарз маблағларининг чегаравий миқдорини белгилашга ҳаракат қилади. Шу билан бирга, аниқланган хусусиятларнинг аҳамияти миллий иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятига қараб фарқ қилиши мумкин. Капитал бозорига жалб қилинаётган молиявий ресурслар ҳажми, жалб қилиш усуллари ва жалб қилувчи молиявий инструментлар, капитал бозорининг аниқ сегментлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро боғлиқ.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан капитал бозори, акциядорлик жамиятларига капитал бозори орқали молиявий маблағларни жалб қилишнинг илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатларига қаратилган бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурсларни қарзга олишни тавсифловчи асосий қоидаларни ўрганишда бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар, жумладан, Ю.Ф.Бригхэм ва М.С.Эрхардт. “Молиявий менежмент: назария ва амалиёт” [2], А.Дамодоран “Стратегик рискларни бошқариш. Тамойиллар ва баҳолаш” [3], Ч.Ф.Ли ва Дж.И. Финнерти “Корпорациялар молияси: назария, усул ва амалиёт” [4] ва бошқа манбаларда капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш шакллари ва усуллари билан боғлиқ асосий масалалар очиб берилган, капитални жалб қилишнинг мақсадлари ва тамойиллари таҳлил қилинган, капитал бозоридан молиявий

ресурсларни жалб қилиш самарадорлигини таҳлил қилиш бўйича ёндашувлар келтирилган, шунингдек, молиявий ресурсларни жалб қилишда стейкхолдерлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувларини таҳлил қилиш масалаларига эътибор қаратилган.

Т.Коупленд, Т.Коллер, Дж.Мурринларнинг тадқиқот ишларида [5] компанияларнинг капитал бозорига чиқишларига бўлган эҳтиёжларини аниқлаш йўллари ишлаб чиқилган, молиявий ресурсларни жалб қилиш самарадорлигини максималлаштириш имконини берувчи капитал бозори инструментлари асосланган, шунингдек, компания молиявий ҳолати ва уни бошқариш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари аниқланган.

Германиялик иқтисодчи олимлар Л.Перридон ва М.Штайнелар ёндашувига кўра, капитал бозори бир йилдан ортиқ муддатга қимматли қоғозлар савдосини ўтказувчи ташкиллаштирилган биржа савдосидир [6]. Россиялик иқтисодчи олим Р.Р.Рубцовнинг фикрига кўра, капитал бозори таркибидаги молия бозори – пул капиталининг ҳаракатланиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ва институтлар мажмуидир [7]. Капитал бозорининг замонавий кўринишлари ва унинг таркибий сегментларига доир илмий ишлар муаллифи В.В. Иванованинг фикрига кўра, капитал бозорининг энг муҳим элементи молия бозори – молиявий воситалардан фойдаланган ҳолда молиявий битимларни амалга ошириш соҳаси ҳисобланади [8].

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳам капитал бозори ва унинг институционал асослари ҳамда асосий хусусиятларига доир кўплаб иқтисодчи олимлар тадқиқотлар олиб боришмоқда. Жумладан, профессор Ш.Ш.Шохаъзамийнинг фикрига кўра, молия бозори – бу монетизациялашган реал инвестицион базисга эквивалент молиявий инструментлар билан боғлиқ ташкиллашган иқтисодий-ҳуқуқий механизм билан таъминланган муносабатларни мақсадли амалга оширувчи, иқтисодиёт субъектлари учун зарурий бозор шароитларини яратиб берувчи мажмуа сифатида намоён бўлувчи тизим [9]. Ушбу тизим механизми иқтисодиётнинг барча субъектлари томонидан уларни ҳар бирининг алоҳида манфаатли мақсадлари доирасида ҳаракатга келтирилади.

Профессор С.Элмирзаев фикрича, капитал бозорида “узун пуллар” муомаласи ташкил этилиб, унда асосан акциялар ва облигациялар амал қилади. Муомала муддати эса бир йилдан ортиқ бўлади. Капитал бозорининг пул бозоридан асосий фарқли жиҳати узок муддатли инвестициялардан фойдаланиши билан изоҳланади [10].

Шундай қилиб, молиявий воситаларни капитал бозорига йўналтиришда ҳал

қилувчи мезон бўлиб, молиявий воситанинг муддати эмас, балки молиявий ресурсларни жалб қилишнинг мақсадли ифодаси ҳисобланади. Агар жалб қилинган қисқа муддатли кредит ёки қисқа муддатли облигациянинг мақсадли ифодаси айланма маблағларни тўлдириш бўлса, унда бу воситалар капитал бозорига тегишли ҳисобланади, чунки молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш жараёнида уларнинг “шаклини” жамғармалардан инвестицияларга айлантирилади. Молиявий ресурслар компаниянинг ликвидлигини таъминлаш учун узоқ муддатли воситалар орқали жалб қилинган тақдирда, ушбу молиявий ресурслар пул бозорига тегишли бўлади.

### **Таҳлил ва натижалар**

Мамлакатимизда халқаро капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш орқали акциядорлик жамиятларини қўшимча молиявий ресурслар билан таъминлаш ҳамда халқаро суверен кредит рейтингини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Акциядорлик жамиятларини халқаро капитал бозори иштирокчиларига айланиши, уларнинг халқаро интеграциялашув жараёнларини ошириш билан бирга ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларни жорий этиш имкониятини янада оширади.

Таъкидлаш лозимки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ички манбалар ҳисобига молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, бироқ молиявий ресурсларга бўлган талабнинг ортиб бориши халқаро капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишнинг заруратини вужудга келтиради. Бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллик тарихида илк бор корпоратив еврооблигацияларни халқаро фонд биржасида жойлаштириб булар бўйича дастлабки ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, 2019 йилнинг февраль ойида Лондон фонд биржасида Ўзбекистон тарихида биринчи марта евробондлар, яъни еврооблигацияларни бозорга жойлади. Бунда 5 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни 4,75 фоиздан, 10 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни эса 5,375 фоиздан жойлаштирди. Қарз облигацияларини қайтариш муддатлари 2024 йил ва 2029 йиллар қилиб белгиланди [11].

Мамлакатимиз қонунчилигига мувофиқ, халқаро еврооблигациялардан келиб тушган молиявий ресурслар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган тегишли меъёрий ҳужжатларга асосан аниқ мақсадлар бўйича тақсимланади. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг суверен еврооблигациялари муваффақиятли

жойлаштирилгач, улардан келиб тушган молиявий маблағларни оқилона жойлаштириш мақсадида 2019 йил 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида” ПҚ-4258-сонли Қарори [12] қабул қилинди.

Қарорга кўра, халқаро капитал бозоридан жалб қилинган молиявий маблағларнинг 89% и ёки 889,2 миллион АҚШ долларини аукцион савдолари ўтказиш орқали тижорат банклари депозитларига тегишли шартларга мувофиқ жойлаштирилган. Бундан ташқари 2% ёки 20 миллион АҚШ долларини «Агробанк» АТБга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шартларга мувофиқ субординар қарз сифатида кредит линиясини очиш йўли орқали ҳамда 9%и ёки 89,9 миллион АҚШ долларини «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасига, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан хорижий валютада бюджет ссудаси сифатида жойлаштирилган.

Шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига халқаро капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш жараёнларида халқаро йирик молия институтлари Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки кабиларнинг улуши юқори эканлигини таъкидлаш лозим. Кейинги йилларда мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик акциядорлик компанияларининг инвестицион дастурларини молиялаштириш ва биргаликдаги лойиҳаларини амалга оширишда Осиё тараққиёт банкининг маблағлари билан иштироки юқори ўринни эгаллаб келмоқда. 2015-2019 йиллар мобайнида корпоратив секторнинг турли тармоқлари ва йўналишлари 2020 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар йўналтирилган бўлса шундан юқори улушни, яъни 500 млн. АҚШ долларини қишлоқ жойларида арзон-уй жойларни қурилиш соҳасида фаолият юритаётган компаниялар хиссасига тўғри келмоқда (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, қарз ва грант маблағлари ҳисобига электр энергия сарфи ҳисобини такомиллаштириш мақсадларига 2015-2019 йиллар мобайнида жами 300 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар жалб қилинган. Бундан ташқари электр энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида умумий қиймати 1,0 млрд АҚШ. долларидан ортиқроқ маблағлар жалб қилинган. Шундан 640,0 млн. АҚШ доллари биргаликдаги молиялаштириш асосида амалга оширилган лойиҳалар ҳисобланади.

*1-жадвал*

**2015-2019 йиллар мобайнида акциядорлик жамиятларига Осиё тараққиёт  
банки томонидан жалб қилинган молиявий ресурсларнинг тармоқлар  
кесимида таҳлили (млн. АҚШ долларларида)**

№	Лойиҳаларнинг номланиши ва йўналиши	Молиявий ресурслар ҳажми	Биргаликда молиялаштириш миқдори	Биргаликдаги молиялаштириш тури
1	Электр энергияси ҳисобини такомиллаштириш - 4 босқич	300,0	70,0	Қарз, грант ва аралаш кўринишда
2	Қишлоқларда арзон уй-жойлар дастури	500,0	300,0	Қарз, грант ва аралаш кўринишда
3	Аму Бухоро ирригация тизимини қайта тиклаш	220,0	100,0	Қарз, грант ва аралаш кўринишда
4	Иқтисодий бошқарувни такомиллаштириш дастури	300,0	670,57	Қарз, грант ва аралаш кўринишда
5	Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш учун уй-жой қурилиши - 3 Транш	100,0	100,0	Қарз, грант ва аралаш кўринишда
6	Электр энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш	450,0	640,0	Қарз, грант ва аралаш кўринишда
7	Савдони молиялаштириш дастури	149,63	156,91	Суверен бўлмаган кўринишда
<b>Жами</b>		<b>2019,63</b>	<b>2037,48</b>	

Манба: <https://www.adb.org>. - Осиё тараққиёт банкининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Маълумки, Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Ўзбекистон билан 2019-2023 йилларда ҳамкорлик қилиш бўйича янги стратегияни тасдиқлади. Ушбу беш йиллик режа Ўзбекистон иқтисодиётининг инклюзив ва бозор иқтисодиёти йўналишида ўсишига кўмаклашиш учун ҳукумат томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган [13].

Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратилган жами кредитларнинг умумий ҳажми 1569 млн.долларнинг ташкил этган бўлса, шундан бугунги кундаги кредит портфелининг умумий миқдори 700 млн.долларни ташкил этмоқда. Жаҳон банки томонидан амалга оширилган молиялаштиришнинг умумий суммаси 6741 млн.долларни ташкил этган бўлса, амалдаги лойиҳалар бўйича молиялаш суммаси 4338 млн. доллардан иборат бўлганлигини таъкидлашимиз мумкин. ОТБ томонидан Марказий Осиёдаги молиялаштирилаётган лойиҳаларни тармоқлар бўйича тақсимланиши

масаласига келсак, 80% лойиҳалар тўртта йўналиш бўйича амалга оширилмоқда: энергетика, транспорт, молия сектори ва давлат бошқаруви соҳасида.

ЕТТБ томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар асосан учта йўналишга қаратилган. Булар: шаҳар ва қишлоқ инфратузилмаларини ривожлантириш, энергетика ва молия сектори. Ўзбекистон Марказий Осиё бўйича ОТБдан энг кўп сармоя жалб қиладиган мамлакат ҳисобланади. Ўйлаймизки, истиқболда ҳам мамлакатимиз акциядорлик жамиятларига халқаро йирик молия институтлари томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш, ушбу маблағларни юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлган соҳа ёки тармоқларга йўналтириш бўйича самарали ишлар амалга оширилади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар салмоқли улушни ташкил этмоқда.

Тижорат банклари томонидан 2019 йил давомида иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга 88,3 трлн. сўм ёки 2018 йилга нисбатан 2,3 баробар кўп инвестицион кредитлар, шу жумладан, хорижий кредит линиялари ҳисобидан 2,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди. 2018 йилда эса, акциядорлик жамиятларига жами 38,8 трлн. сўм инвестицион кредитлар ажратилган бўлса бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 2,4 баробарга ортиқни ташкил қилади [14].

Бунда банкларнинг инвестициявий фаолияти устувор равишда тармоқларни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш Дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлашга қаратилди.

Тижорат банкларининг Ўзбекистондаги корхоналарни инновацион ривожлантириш манфаатларида иштирок этишини ташкил этишнинг афзаллиги шундаки, улар нафақат анъанавий кредиторлар ва молия бозорининг операторлари сифатида, балки институционал инвесторлар, инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция воситачилари ва қимматли қоғозлар бозорида бошқа профессионал иштирокчилар сифатида ҳам иштирок эта оладилар.

Таъкидлаш лозимки, корхоналарда устав капиталида давлат улушини юқори бўлиши капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишда замонавий молиявий инструментларга бўлган интилишлари ва инновацияларни олиб киришда мустақил ёндашувни чегаралайди. 2019 йил давомида мамлакатимизнинг жами 18 та тижорат банклари томонидан “Тошкент” Республика фонд биржасида эмитент сифатида акциялар билан олди-сотди битимлар амалга оширилган.

2-жадвал

**Иқтисодиётнинг молия сектори корхоналари томонидан фонд бозори орқали молиявий ресурсларни жалб қилиш ҳолати, (2019 йил)**

№	Эмитент	Акция сони (минг, дона)	Сумма (млн.сўм)	Битим сони
1.	“Агробанк” АТБ	7449,1	8073,5	91
2.	“Давр-банк” ХАТБ	2717,9	13589,9	7
3.	“Ҳамкорбанк” АТБ	933713,8	36890,1	2 002
4.	“НН-ТЕСН ВАНК” ХАТБ	10319,1	16195,5	14
5.	“Ипотека-банк” АТИБ	1809055,1	2794,1	1 786
6.	“Капиталбанк” АТБ	71639,1	74252,7	21
7.	“Микрокредитбанк” АТБ	103,2	110,726	43
8.	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	312108,5	5908,6	2 763
9.	“Равнақ-банк” ХАТБ	14847,9	14850,2	18
10.	“Трастбанк” ХАБ	12834,2	14554,7	152
11.	“Туркистон” ХАТБ	50720,7	50720,8	65
12.	“Туронбанк” АТБ	38,9	83,7	71
13.	“Urganchkormmash” АЈ	100,0	1031,7	1
14.	“Ипак Йўли” АИТБ	1791691,1	18147,9	43
15.	“Алоқабанк” АТБ	139,3	58,9	198
16.	“Савдогарбанк” АТБ	43,3	6,5	68
17.	“Қишлоқ қурилиш банк” АТБ	134,9	24,2	119
18.	“Универсал банк” ЖССБ	4932,7	24663,8	105
	<b>Жами</b>	<b>5022589,3</b>	<b>281958,2</b>	<b>7 567</b>

Манба: “Тошкент” РФБ нинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2-жадвал маълумотларига кўра, мамлакатимиз молия сектори ташкилотлари томонидан 2019 йил мобайнида 300,0 млрд. сўмга яқин маблағлар акциялар эмиссия қилиш орқали жалб қилинган бўлса, молиявий ресурслар жалб қилишда муҳим инструмент саналган корпоратив облигациялар чиқариш йўли орқали амалиёт ҳажми пастлигича сақланиб қолмоқда.

### **Хулоса ва таклифлар**

Ҳукуматимиз томонидан суверен халқаро облигацияларни халқаро бозорга муомалага чиқарилиши билан боғлиқ мақсадлар фақат иқтисодиётни инвестициявий маблағлар билан таъминлаш эмаслиги, балки суверен халқаро облигацияларнинг жаҳон халқаро молиявий бозорларида жойлаштирилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг халқаро майдонда эътироф этилишига эришиш, йирик давлат корхоналари ва банклари учун жаҳон молия бозорларида



ўз облигацияларини жойлаштириш ва шу асосда инвестицион лойиҳаларни мустақил молиялаштириш учун замин яратади.

Акциядорлик жамиятларига жалб қилинадиган капиталларнинг бозордаги ўртача қиймати ушбу сектордаги ўртача иқтисодий рентабелликдан юқори бўлиши молиявий дастак самарасининг йўқолишига олиб келади. Бундан ташқари юқори фоиз ставкалари қарз капиталларидан фойдаланишнинг тадбиркорлик субъектлари молиявий натижалари самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишига ва ушбу молиявий ресурслардан фойдаланишдаги қизиқишнинг камайишига олиб келади.

Фикримизча, банк ва акциядорлик фаолиятини тартибга солувчи органлар банк муассасаларини ўзларининг инновацион ривожланиши учун қимматли қоғозларни молиялаштириш дастурлари орқали ўз маблағлари ва қарз маблағларини молиялаштириш воситаларидан фойдаланиш кўламини ошириш ва кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишлари лозим.

Акциядорлик жамиятларига капитал бозоридан молиявий ресурсларни самарали жалб этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириши керак:

- компания молиявий ҳолатини унинг молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш;

- молиявий ресурсларни жалб қилишни талаб қилувчи инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва устувор инвестиция дастурларини белгилаш;

- инвестиция дастурларини амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни жалб қилиш режасини ишлаб чиқиш;

- молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари, капитал бозорининг турларини, компаниянинг молиявий ҳолатига кўра қарз олишнинг асосий параметрларини, инвестиция дастурлари ва молиявий ресурсларни жалб қилиш режасини асослаш;

- натижада капитал бозорининг молиявий ресурсларини компаниянинг молиявий ресурсларига айланишини таъминловчи молиявий ресурсларни жалб қилиш жараёнини амалга ошириш;

- жалб қилинган ва ҳақиқатда сарфланган маблағлар ва олинган натижалар бўйича лойиҳаларнинг прогноз қийматларини таққослаш асосида молиявий ресурсларни жалб қилиш самарадорлигини таҳлил қилиш ва амалга оширилаётган молиявий ресурсларни компаниянинг молиявий оқимларига жалб қилиш лойиҳасига кейинги таъсирини прогноз қилиш;

- жалб қилинган ресурслар бўйича қарзларни қайтариш натижаларига кўра, лойиҳани амалга оширишнинг умумий самарадорлигини таҳлил қилиш;

- жалб қилинган молиявий ресурслардан фойдаланишнинг ҳақиқий натижаси сифатида, компаниянинг молиявий ҳолатини, капиталини ва капитал харажатларини баҳолаш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.
2. Бригхем Ю.Ф. Финансовый менеджмент: теория и практика /Ю.Ф. Бригхем, М.С. Эрхардт; пер. с англ. – СПб.: Питер, 2007. – 1758 с.
3. Дамодаран А. Стратегический риск-менеджмент. Принципы и методики: пер. с англ. - М.: Вильямс, 2010. – 496 с.
4. Ли Ч.Ф. Финансы корпораций: теория, методы и практика / Ч.Ф.Ли, Дж. И. Финнерти; пер. с англ. – М.: ИНФРА –М, 2000. – 686 с.
5. Коупленд Т. Стоимость компаний: оценка и управление /Т. Коупленд, Т. Коллер, Дж. Муррин; пер. с англ. - М.: Олимп-Бизнес, 2008. -576 с.
6. Perridon L. Finanzwirtschaft der Unternehmung/L.Perridon. M. Steiner, Munchen: Verlag Vahlen, 2008. S. 150.
7. Рубцов Б.Б. Глобальные финансовые рынки: масштабы, структура, регулирование//Век глобализации. - №2 (8) - 2011. - С.73-98.
8. Современные финансовые рынки: монография; под ред. В.В. Иванова. - М.: Проспект, 2014. - 572 с.
9. Шохаъзамий Ш.Ш. Молия бозори ва қимматли қоғозлар. Дарслик. -Т.: Iqtisod-moliya, 2007. - 474 б.
10. Элмирзаев С. ва бошқалар. Молия бозори. Дарслик. -Т.: Иқтисод-молия, 2019. -9 б.
11. Тошматов Ш.А. Ўзбекистон халқаро облигацияларининг жаҳон молиявий бозорларида жойлаштирилиши: риск ва прогнозлар. <http://review.uz/>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида” ПҚ-4258-сонли Қарори.
13. <https://www.adb.org/ru/news/adb-uzbekistan-renew-development-partnership-new-5-year-strategy> - сайт маълумотлари.
14. <http://cbu.uz/oz/statistics/financing/73901/> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайт маълумотлари.